

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСАЕВА НУРХОН ФАРХАТОВНА**

**НЕФТНИНГ МОЙЛИ ФРАКЦИЯЛАРИНИ  
ГИДРОТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИ УЧУН ЯНГИ УЧ МЕТАЛЛИ  
КАТАЛИЗАТОРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

|   |    |
|---|----|
| Исаева Нурхон Фархатовна<br>Нефтнинг мойли фракцияларини гидротозалаш жараёни учун<br>янги уч металл каталлизаторини ишлаб чиқиш..... | 3  |
| Исаева Нурхон Фархатовна<br>Разработка нового триметаллического катализатора<br>для процесса гидроочистки масляных фракций нефти..... | 21 |
| Isaeva Nurkhon Farkhatovna<br>Development of new trimetal catalyst for process of oils hydrofining .....                              | 39 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати<br>Список опубликованных работ<br>List of published works.....   | 42 |

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСАЕВА НУРХОН ФАРХАТОВНА**

**НЕФТНИНГ МОЙЛИ ФРАКЦИЯЛАРИНИ  
ГИДРОТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИ УЧУН ЯНГИ УЧ МЕТАЛЛИ  
КАТАЛИЗАТОРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Г250 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифада ([www.tkti.uz](http://www.tkti.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юнусов Мирахмад Пулатович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Икрамов Абдувахаб**  
техника фанлари доктори, профессор

**Хамидов Басит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz). (Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали)

Докторлик диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ - рақам билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М. Туробжонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**А.С. Ибодуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

**Г. Рахмонбердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда, дунё миқёсида «нефтни қайта ишлаш ҳажми йилига 4,2 млрд. тоннадан ортиқни ташкил қилиб, умумий ҳажмидан 46% гидротозалаш жараёнига тўғри келади»<sup>1</sup> ва шунга кўра жаҳонда гидротозалаш катализаторларига бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Шу борада нефтни гидротозалаш жараёни учун юқори фаолиққа эга бўлган кобальт-никель-молибден катализаторларини олишнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, олинган катализаторларни эксплуатацион кўрсаткичларининг илмий асосларини тадқиқ қилиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда нефтни қайта ишлаш саноатида маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кенгайтиришга эътибор қаратилган. Нефть маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини яхшилаш асосан гидротозалаш жараёнида амалга оширилиб, ушбу жараёнда ишлатиладиган катализаторларни юқори эксплуатацион кўрсаткичларга эга турларини ишлаб чиқиш, янги таркиби ва технологияларини яратиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Охириги йилларда Республикамизда нефтни қайта ишлаш саноати бир қатор корхоналарида технологик жараёнларни такомиллаштириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қурилмаларни реконструкциялаш бўйича маълум ютуқларга эришилди. Шу билан бир вақтда ишлатиладиган чет эл катализаторларини маҳаллийлаштириш, уларни янги таркибли, самарали ва маҳаллий хомашёлар асосида олиш муаммоси хал қилишга етарли эътибор қаратилмаган. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу борада, мамлакатимизда нефтни мойли фракцияларини гидротозалаш жараёни учун янги, маҳаллий катализаторларни ишлаб чиқариш технологияларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури янада кучайтириш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарори ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> <https://ru.m.wikipedia.org.>

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Дунёда нефть фракциялари гидротозалаш катализаторларини ишлаб чиқариш технологияларини жадаллаштириш бўйича А.Н. Старцев, Б.К. Нефедов, Л.О. Коган, Н.Н. Томина, А.А. Пимерзин, А.В. Пашигрева, О.В. Климов, В.Г. Сидельковская, Ю.В. Еремина, С.А. Сурин, Р.Р. Алиев, Г.Д. Чукин, С. Bianchini, Н. Topsoe, Р.Хьюз, L. Zhou, L. Kaluza, L.M.Zdrazi, А.С. Султанов, М.П. Юнусов, С.М.Туробжонов, Ш.М. Сайдахмедов ва бошқа олимлар илмий ишлар олиб боришган.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида бензин, дизель фракцияларини гидротозалаш ва ҳимоя қатлам катализаторлари олиш усуллари яратилиб, иқтисодий ва юқори эксплуатацион хоссали фаол катализаторларнинг олиш технологиялари амалиётга жорий этилган. Гидрожараёнлар катализаторларини ўзаксиз ишлаб чиқариш ва катализаторларни дисперслиги ва компонентлар концентрацияси микдорини ошириш ҳисобига юқори фаолликни намоен қиладиган самарадор катализаторларни ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Шу билан бирга, каталитик фаол структуралари шаклланган катализаторларни мақсадли ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш бўйича, унинг фаол компонентлари эритмаларини тайёрлаш учун жадаллаштирилган усуллар, яъни технологик, амалий, экологик ва иқтисодий жиҳатларини ўрганиш ҳамда хомашёни тежаш ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш орқали харажатлар камайишига ва самарали катализаторларни яратилиши борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтининг 6461-978-160-сон «Мой фракцияларини гидротозалаш катализаторлари ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ва маҳсулот ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш» (2014-2015йй.), А-12-011-сон «Ўтувчан металллар хелат комплекслари асосида мой фракцияларини наноструктурали гидротозалаш катализаторлари технологиясини яратиш» (2015-2016йй.) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** нефтнинг мой фракцияларини гидротозалаш жараёни учун, янги кобальтннкельмолибден катализатори таркиби ва ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

катализатор ўзагини олиш учун қўлланиладиган хомашёлар ва маҳсулотларни физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

мақбул текстура хусусиятларига эга бўлган катализатор ўзагини яратиш; катализаторларни мақсадли синтези ва уларга фаол компонентларни киритиш, таркиби ва тузилишини мақбуллаштириш шароитларини аниқлаш; ишлаб чиқилган катализатор намуналарини каталитик фаоллигини аниқлаш;

уч металли кобальт-никель-молибден катализаторини ишлаб-чиқаришнинг мақбул технологиясини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** синтез қилинган ҳар хил турдаги нефть мойларини гидротозалаш катализаторлари ва ташувчилари ҳамда, қайта ишланган нефть мойлари намуналари.

**Тадқиқотнинг предмети** Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг III-фракцияли вакуум дистилляти, асфальтсизлангандирилган қолдиғи ва мой гидрогенизатларининг сифат кўрсаткичлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида хомашёларни тадқиқот этишда давлат стандартидан ўтган бир неча таҳлил усулларида, бундан ташқари электрон-зонд ва рентгенфазали таҳлилар, термография, фотоколориметрия ва бошқа бир қанча таҳлил усулларида кенг фойдаланилди. Шунингдек синтез қилинган гидротозалаш катализаторлари намуналарининг каталитик фаоллигини юқори босимли OL-105/2 (Венгрия) тажриба қурилмасида ўрганилди. Гидрогенизатлардаги олтингугурт миқдорини аниқлаш давлат стандарти (1437-75 ГОСТ) бўйича амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нефть мойларини гидротозалаш учун кичик кристалли алюминий гидроксиди ва дағал дисперсли фаоллаштирилган алюминий оксиди асосидаги биғовак структурали катализатор ўзаги олинган;

катализатор тайёрлаш жараёнида ўзак юзасига гидратланган никель ва кобальт молибдатларини киритишнинг мақбул шароитлари ва фаол системаларни парчаланишини бартараф қилиш шароитлари аниқланган;

эритмада аралаш ностехиоетрик кобальт-никель-молибден бирикмалари ҳосил бўлиши кўрсатилган ва улардаги «мураккаб» олтингугурт бирикмаларини гидрирлаш ва гидродесульфидлаш фаоллиги аниқланган;

нефть мойларини гидротозалаш жараёни учун олинган алюмокаолинборат ўзаги асосидаги уч металли кобальт-никель-молибден катализаторини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

махаллий хомашёлар асосида мақбул текстура хусусиятларига эга бўлган катализатор ўзаги яратилган;

янги катализаторларни мақсадли синтези, улар фаол компонентларини киритиш, таркиби ва тузилишини мақбуллаштириш шароитлари кўрсатиб берилган;

уч металли кобальт-никель-молибден катализаторларини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишида синтез қилинган катализаторларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркиби, тузилиши ва фаоллиги замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари: ИК-спектроскопия, дифференциал термик таҳлил, рентгенофаз, элемент ва электронмикроскопик таҳлиллари билан ўрганилган ва яратилган технология ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, мой фракциясидаги «мураккаб» олтингугурт бирикмаларини гидротозалаш жараёнлари учун, паст босимда гидрирлаш функцияси юқори бўлган катализаторини тайёрлаш технологиясини яратишнинг илмий асосини кўрсатиб бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва маҳсулотлар асосида сифатли, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, янги кобальт-никель-молибден катализаторни олиш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилишдан иборатдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мой фракцияларини гидротозалаш жараёни учун яратилган янги уч металл катализатор олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нефтнинг мойли фракцияларини гидротозалаш жараёни учун катализатор таркиби ва олиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№ IAP 05423, 2017). Натижада нефть фракцияларини гидротозалаш катализаторларини маҳаллий хомашёлар асосида олиш имконини берган;

нефтнинг мой фракциясини гидротозалаш кобальт-никель-молибден АКНМ-3/5 катализаторини ишлаб чиқиш бўйича техник шарт «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Tsh 19.03-009:2008). Натижада нефть фракцияларининг гидротозалаш катализаторларини ишлаб чиқаришга имкон берган;

яратилган катализатор таркиби ва олиш технологияси «Фарғона НҚИЗ» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йилнинг 2 февралдаги 02/12.1-17-сон маълумотномаси). Натижада ҳориждан олиб келинаётган нефть мойларининг гидротозалаш катализаторларини маҳаллийлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27та илмий иш чоп этилган. Олий Аттестация комиссиясини диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия



этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан бтаси республика ва 1таси хорижий журналларда нашр этилган. Иш натижаси бўйича 1та Ўзбекистон Республикасининг патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта асосий боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Нефть фракцияларини гидротозалаш катализаторлари»** деб номланган биринчи боби адабий шарҳлардан иборат бўлиб, бунда ҳозирги вақтда катализаторлар бўйича илмий-техник таҳлил ва патент маълумотлари, нефтни қайта ишлаш саноатида истиқболли гидрогенизация жараёнлари, база мойларининг сифатини яхшилаш масалалари ва мойларни гидротозалаш катализаторларини тайёрлашнинг асосий усуллари ва технологиялари келтирилган. Каталитик фаол структураларни шаклланишига турли факторларни таъсири, сульфидланган катализаторларни, нефть мойларини олтингугурт бирикмаларидан тозалаш жараёнидаги реакцион хоссалари ўрганилган. Кўриб чиқилган илмий ишларга танқидий ёндашиш асосида бажарилиши мўлжалланган тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг объекти, уларнинг физик кимёвий хоссалари ва ўрганиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида катализаторларнинг тадқиқот усуллари, шимдириладиган эритмалар, гидрогенизатлар характеристикалари батафсил келтирилган. Асосий эътибор, фойдаланиладиган хомашё сифатини баҳолашга қаратилган. Ангрен каолинининг фракцион таркиби, алюминийнинг саноат гидроксидларини кристаллик даражаси, ҳамда уларнинг сифатини баҳолашнинг экспресс усули ишлаб чиқилган.

Катализаторлар ва унинг ўзаклари бўйича тадқиқот ишлари ўтказилиб, қуйидаги асосий кўрсаткичлар аниқланган: парчаланиш, эзилиш ва ишқаланиш бўйича механик мустаҳкамлиги, азот бўйича солиштира юзаси, ғоваклилик структураси (бензол буғларини адсорбцияси, симоб порометрия, ҳамда смоласимон-асфальтен моддалари адсорбцияси бўйича).

Физик-кимёвий таҳлилларни бажариш учун қуйидаги асбоблардан фойдаланилган: рентгенофаза таҳлили - «Дрон 1-УМ»; спектрофотометр «Hitachi-330» (Япония  $10\text{--}45\text{ см}^{-1}$ ); «Specord 75 IR» (Германия) ( $4000\text{--}400\text{ см}^{-1}$  диапазонлар); электрон микроскоп, дериватограф «Paulik-Paulik-Erday» (Венгрия) қиздириш тезлиги  $10\text{ К/мин}$ , InVia Raman спектрометр «Renishaw», (Великобритания), Фурье-спектрометр (Agilent Technologies Cary 640 Series FTIR Spectrometer). Гидрогенизат таркибидаги олтингугурт бирикмаларини миқдорини тезлаштирилган усулда аниқланган (ГОСТ 1437-75). Ушбу усул, ҳаво оқимида ўлчанган нефть маҳсулоти ёндирилганда, ҳосил бўлган олтингугурт оксидларини водород пероксиди ва олтингугурт кислотаси эритмасида тутиб, кейин натрий ишқори билан титрлашга асосланган. Синтез қилинган намуналар фаоллиги юқори босим қурилмасида OL-105/2 (Венгрия, катализаторни жойлаш ҳажми  $100\text{ см}^3$ ) тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг «**Катализатор ўзаги синтези технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида вакуумли дистиллятлар ва деасфальтланган нефть қолдиқларини гидротозалаш катализаторлар ўзаклари тайёрлашнинг турли хил аспектлари, айнан керак бўлган механик мустаҳкамлиги ва оптимал ғовак тизими инобатга олган ҳолда, ўрганилган.

Катализатор ўзагини икки ғоваклигини олиш мақсад қилинган, юқори ҳароратда ( $350^{\circ}\text{C}$ ) қайнайдиغان олтингугурт бирикмаларини (молекулалар ўлчами  $>20\text{Å}$ ) катализатор фаол марказларига етиши мақсадида  $30\text{--}50\text{ нм}$  ўлчамдаги катта ғоваклар ва бир вақтда  $12\text{--}16\%$  фаол компонентларни шимдириш учун зарур бўлган -  $10\text{ нм}$  дан кичик бўлган мезоғоваклар ҳосил қилишга эришиш мақсад қилиб олинган.

Ғоваклилик характеристикаларини ҳосил қилиш ҳар-хил технологик усуллар ёрдамида ўрганилиб, асосий эътибор алюмооксидли тизимларни текстурасига қаратилган. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, кристаллик даражаси ҳар-хил бўлган алюминий гидроксидининг намуналари комбинацияси, қониқарли механик мустаҳкамлик сақланган ҳолда, катта ғоваклар миқдорини, икки баробардан ортиқ кўпайтириш имконини берган. Катта кристалли гидроксидни ГОА-К аммиак билан ишлов бериб ғоваклари радиуслари  $7\text{--}10\text{ нм}$  ва  $50\text{--}170\text{ нм}$  бўлган, ҳамда катта ғоваклари радиуси  $220\text{--}450\text{ нм}$ ли, фаоллашган алюминий гидроксиди АГОА-К ҳосил қилинган. Ушбу гидроксидни қиздирилганда, кенг ғовакли фаоллаштирилган алюминий оксиди – АОА ҳосил бўлади.

Гидротозалаш катализатори учун танланган энг яхши 9-ўзак, ГОА-М маркали майда кристалли гидроксидни олдиндан азот кислотаси билан пептизация қилиниб, катта ғовакли алюминий гидрат оксидини (АГОА-К) аммиак билан фаоллаштирилиб, сўнг қурилган, дағал дисперсли ( $0,1\text{--}0,06\text{ мм}$ ) алюминий оксидини (АОА)  $10\%$  ни ва бойитилган каолинни  $10\%$  ни қўшиш натижасида олинган. Ўзакни тайёрлаш жараёнида ГОА-М заррачалари юзасида алюминий гидроксонитратлари ва

гидроксоборатларидан иборат бўлган гел, алюминий оксидини катта ғоваклар заррачаларини мустаҳкам ёпиштиради. Улар 30-50 нм радиусли қисман майда дисперс фаза билан тўлган, катта ғовакларнинг иккиламчи ғоваклар тизимини яратади.

**1-жадвал**

**Катализатор ўзаги намуналарининг (АКФ-78 каолин 10% ва бор 2,5% ) физик-кимёвий хоссалари**


| №  | Ташувчи компонентлари       | Модификатор | Пептизация, моль $\text{HNO}_3$ /моль $\text{Al}_2\text{O}_3$ | Механик мустаҳкамлик |                   |                        | Ғоваклик структураси            |                               |                         |
|----|-----------------------------|-------------|---|----------------------|-------------------|------------------------|---------------------------------|-------------------------------|-------------------------|
|    |                             |             |   | Эзилиши, кг/гран     | Парчааниши, кг/мм | Ишқаланиши, 15 минут % | Умумий ҳажм, см <sup>3</sup> /г | Ғовакнинг эффектив радиуси, Å | Катта ғоваклар қисми, % |
| 1  | ГОА-М                       |             | 0,012   | 1,9                  | 2,32              | 10,82                  | 0,76                            | 4,2                           | 3,2                     |
| 2  | ГОА-М                       | ПВА         | 0,051   | 2,9                  | 3,78              | 8,23                   | 0,44                            | 3,8                           | 7,8                     |
| 3  | ГОА-М (АКНМ-4/16)           | К-9         | 0,061   | 2,1                  | 2,80              | 8,11                   | 0,47                            | 3,9                           | 4,9                     |
| 4  | ГОА-М                       | ПЭПА        | 0,052   | 2,2                  | 2,72              | 8,13                   | 0,50                            | 3,5                           | 4,4                     |
| 5  | ГОА-М+ГОА-К(37,5%)          | ПВА         | 0,052   | 2,1                  | 2,13              | 9,36                   | 0,90                            | 4,8                           | 8,3                     |
| 6  | ГОА-М+ГОА-К (37,5%)         | ПЭПА        | 0,050   | 1,8                  | 1,61              | 10,05                  | 0,83                            | 4,6                           | 8,4                     |
| 7  | ГОА-М+ГОА-К (37,5%)         | К-9         | 0,030   | 2,2                  | 2,10              | 9,52                   | 0,73                            | 4,9                           | 8,7                     |
| 8  | ГОА-М+АГОА-К (37,5%)        | К-9         | 0,020   | 2,1                  | 2,44              | 8,88                   | 0,67                            | 5,3                           | 18,9                    |
| 9  | ГОА-М + фракция АОА-К (10%) | ПЭПА        | 0,008   | 3,1                  | 3,14              | 9,63                   | 0,70                            | 6,4                           | 31,7                    |
| 10 | ГОА-М+АОА-М (10%)           | -           | 0,009   | 3,0                  | 2,93              | 9,82                   | 0,68                            | 6,2                           | 20,3                    |
| 11 | АГОА-М+ГОА-К (37,5%)        | -           | 0,012   | 2,8                  | 3,12              | 8,01                   | 0,72                            | 4,2                           | 13,8                    |
| 12 | ГОА-М+ АГОА-К (37,5%)       | -           | 0,014   | 3,0                  | 3,15              | 9,06                   | 0,68                            | 6,1                           | 14,6                    |

ГОА-К – катта кристалли  $\text{Al}(\text{OH})_3$  – (кристаллари 200-1000Å булган-бемит ва оз микдорда байерит-кристаллари 250 Å ва гиббсит кристаллари 280-300 Å булган аралашмаси), ГОА-М – майда кристалли  $\text{Al}(\text{OH})_3$  – (кристаллининг катталиги 60Å дан кичкина- псевдобемит ва кристаллининг катталиги 100-250 Å -бемит аралашмаси), АГОА-К –катта кристалли  $\text{Al}(\text{OH})_3$  -(аммиак билан фаоллаштирилган 250°C да курилган), АГОА-М-майда кристалли  $\text{Al}(\text{OH})_3$ -(аммиак билан фаоллаштирилган, 550-600°C да қиздирилган); ПВА – поливинилацетат, К-9 – полиэлектролит (нитрон толаси ишлаб чиқариш чiqиндиси); ПЭПА-полиэтиленполиамин, АОА-К- алюминий оксиди (550-600°Cда қиздирилган АГОА-К), АОА-М- алюминий оксиди (550-600°Cда қиздирилган АГОА-М).

Гранулаларни полиэтиленполиамин (ПЭПА) модификатор эритмасига шимдириш натижасида, гранула юзасида интермицелляр суюкликни алмашиши ҳисобига, ғоваклар ўлчамини янада йириклашишига олиб келиши аниқланган. Бу ҳолда ташувчининг катта ғовакларини улуши 31,7% гача етади. Ўтказилган илмий-тадқиқотлар натижасида нефть мойларини гидротозалаш

катализаторлари учун барча физик-кимёвий хоссалари кўрсаткичлари бўйича макбул ўзак сифатида 9 - намуна танлаб олинган.

Диссертациянинг «Уч метали катализатор синтези технологияси тадқиқоти» деб номланган тўртинчи бобида, молибденни ҳар хил структурадаги гетерополи бирикмаларидан фойдаланиш ва олинган ўзаклар юзасига шимдириш усуллари оптималлаштириш асосида катализатор тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш, шу билан бир қаторда кўп компонентли каталитик тизимларнинг фазовий таркиби ва текстурасини ўрганишга бағишланган (1-расм).



а-бир босқичли (H<sub>3</sub>PO<sub>4</sub>+C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>O<sub>7</sub>; pH=2-3)

б-икки босқичли (H<sub>3</sub>PO<sub>4</sub>; pH=2-3)

в- бир босқичли (H<sub>3</sub>PO<sub>4</sub>; pH=2-3)

г- бир босқичли (NH<sub>4</sub>OH; pH=10)

**1-расм. АКНМ катализаторлар намуналарини дифрактограммалари.**

Ўзак юзасида, дастлаб аммоний парамолибдати (ПМА) шимдирилганда, етарли миқдорда, юза билан мустаҳкам боғланган, изоляцияланган Mo<sup>6+</sup><sub>td</sub> дан ташқари, сувда эрийдиган аммоний изо-полимолибдат Mo<sup>6+</sup><sub>oh</sub> шаклдаги молибден ва [Si(Mo<sub>12</sub>O<sub>40</sub>)] ҳосил бўлиши физик-кимёвий усуллар комплекси ёрдамида аниқланган.

Ундан сунг фосфор кислотаси иштирокисиз, никель ёки кобальт нитратлари шимдирилганда, уларнинг алюминий изополимолибдатлар билан таъсирлашуви, ҳамда ўзак билан кучсиз боғланган ва сув билан экстракцияланадиган никельмолибдат ёки кобальтмолибдат структуралари шаклланиши кузатилган. Уч метали кобальтмолибден

катализаторининг электрон спектрларида тетраэдрик координацияли кобальт ионларининг интенсив чизиқлари билан қисман ёпилган никель ионларининг тетраэдрик ( $\text{NiAl}_2\text{O}_4$ ) ва октаэдрик ( $\text{NiMoO}_4$ ) координацияларига тегишли ютилиш чизиқлари аниқ кўринган. Дифрактограммада эса, АКМ, АНМ - намуналарида бўлмаган кучсиз рефлекслар пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин (1-расм). Фосфор ва лимон кислоталари билан барқарорлаштирилган кислотали комплекс эритмалари тайёрлаш жараёнида, молибдат-ионларининг полимеризация даражаси ортади. Олинган эритмани сувсизлантириш натижасида, дифрактограммада аниқ кўринадиган куйидаги асосий фазалар кристалланади:  $\text{CoMoO}_4 \cdot x\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Co}_{1-3}\text{Mo}_{4-2}\text{O}_4 \cdot x \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{CoMoO}_4 \cdot 0,9 \text{H}_2\text{O}$ ,  $x \cdot \text{NiOMoO}_3 \cdot y (\text{H}_2\text{O})$ ,  $\text{NiMoO}_4 \cdot x\text{H}_2\text{O}$  ва бошқалар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, рефлекслар гетерополикислоталарнинг аммонийли тузлари ҳисобига  $(\text{NH}_4)_4[\text{Ni}(\text{OH})_6\text{Mo}_6\text{O}_{18}] \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ ,  $(\text{NH}_4)_4\text{CoMo}_6\text{H}_6\text{O}_{24} \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ ,  $(\text{NH}_4)_3\text{PO}_4 \cdot 12 \text{MoO}_3 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$  ва  $(\text{NH}_4)_3\text{PO}_4 \cdot 12 \text{MoO}_3 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  юзага келади. Бу каби тузларнинг ўзак юзасидаги адсорбцияси, гидроксил гуруҳларини водород ионини гетерополикислоталарнинг анионлари билан алмашилиши орқали содир бўлади ва катализаторлар юзасида ҳарорат  $420^\circ\text{C}$  гача бўлганда сақланади. Эритмада фосфат кислотасини миқдорини камайтириш мақсадида, унинг бир қисмини лимон кислотасига алмаштирилди. Олинган бирикмаларни қиздириш ҳисобига никель ва кобальт ионлари билан кимёвий боғланган, молибдат ионларининг юқори даражали полимерланган дисперс структуралари шаклланди.

Шундай қилиб, фосфат ва лимон кислотасининг роли, бир босқичли шимдиришда кўп компонентли эритманинг барқарорлиги билан чегараланиб қолмайди, балки, ҳосил бўлган  $\text{Mo}^{6+}_{\text{oh}}$  полианион барқарор юза кластерларининг миқдорини ортишига ҳам олиб келади. Маълумки, айнан сув-аммиакли эритмаси билан экстракция қилинадиган никельмолибдат структуралар, катализаторларнинг сульфидлаш ва фаоллаштириш жараёнида гидродесульфидлаш реакциялари каталитик марказларини, яъни анионлар вакансиясини пайдо бўлишига олиб келади.

Электрон, КР спектроскопия ва рентгенофаза анализи, ҳамда кучсиз, нисбатан кучли боғланган фаол металлларни структураларини селектив экстракцияси услублари ёрдамида катализаторларни бир босқичли шимдириш натижасида, куйидагиларни ҳосил бўлиши исботланди:

гидриллаш реакцияларида актив бўлган Mo-Ni-Co структураларининг максимал миқдорини ҳосил бўлиши (сув билан экстрагирланувчи);

ўзак юзаси билан кимёвий боғланган гидродесульфидлаш реакцияларида фаол бўлган молибдат структураларининг катта миқдорини ҳосил бўлиши (сув-аммиакли эритма билан экстрагирланувчи);

гидротозалаш жараёнида кам фаол бўлган Mo-Ni-Co шпинелли структураларини минимал миқдорда ҳосил бўлиши.

Сув билан ажратиладиган ўзак юзасига кучсиз боғланган структуралар формуласи  $(\text{Ni}_{3-4,5}\text{Co}_{2-3,5})\text{Mo}_{7-9}\text{O}_x\text{H}_2\text{O}$  ва таркибида  $\text{Mo}_7\text{O}_{24}^{6-}$  и  $\text{MoO}_4^{2+}$

ионларини сақлайди. Сув-амиакли эритмаси билан ажратиладиган ўзак юзасига нисбатан кучли боғланган структуралар формуласи ( $Ni_{0,8-1}Co_{3-4}Mo_4O_xH_2O$ ) ва таркибида  $MoO_4^{2+}$  ионини сақлайди.

## 2-жадвал

**Фаол компонентларнинг катализатор юзаси билан боғланиш кучига ўзакни таъсири.  $MoO_3$  (12-12,5%)  $CoO$ (2,5-2,6%)  $NiO$ (1,4-1,5%) бир мартали шимдириш билан олинган  $Mo$ ,  $Co$  и  $Ni$  бирикмаларининг экстрактив ажралиш натижалари**

| Эритма таркиби (нитрат никеля – Ni; нитрат кобальта – Co; пара-молибдат аммония – Mo; фосфор кислотаси – P; лимон кислотаси – cit) | Қиздириш ҳарорати, °C | Кетма кет экстракцияланган элементлар миқдори $H_2O$ и $NH_4OH$ , % |      |      |                                  |      |      |
|--|-----------------------|---|------|------|----------------------------------|------|------|
|  |                       | Сувли экстракциядан кейин   |      |      | Сув-аммиакли экстракциядан кейин |      |      |
|  |                       | Mo  | Ni   | Co   | Mo                               | Ni   | Co   |
| Mo-Ni-Co-P- $H_2O$ /№3 АКНМ 4/16   | 550                   | 10,9  | 7,34 | 18,0 | 37,8                             | 0,23 | 0,72 |
| Mo-Ni-Co-P- $H_2O$ /№5 (АКНМ)  | 550                   | 12,8  | 10,2 | 21,4 | 33,4                             | 0,32 | 0,75 |
| Mo-Ni-Co-P- $H_2O$ /№7 (АКНМ 4/11)   | 550                   | 14,6  | 40,2 | 23,7 | 29,2                             | 0,07 | 0,63 |
| Mo-Ni-Co-P- $H_2O$ /№9 (АКНМ 3/5)  | 550                   | 19,3  | 50,3 | 30,6 | 25,6                             | 0,03 | 0,72 |
| Mo-Ni-Co-P- $H_2O$ /№3 (АКНМ 4/16)   | 400                   | 20,5  | 52,4 | 34,4 | 25,8                             | 0,02 | 0,60 |
| Mo-Ni-Co-P- $H_2O$ /№9 (АКНМ 3/5)  | 150                   | 23,8  | 52,6 | 34,9 | 26,0                             | 0,06 | 0,65 |
| Mo-Ni-Co-P-cit - $H_2O$ /№9 (АКНМ-3/5)   | 400                   | 24,3  | 53,8 | 35,2 | 26,3                             | 0,11 | 0,17 |
| Mo-Ni-Co-P-cit - $H_2O$ /№9(АКНМ 3/5)  | 150                   | 26,8  | 54,2 | 36,9 | 26,7                             | 0,15 | 0,23 |
| Mo-Ni-Co-P-cit- $H_2O$ /№9; (АКНМ 2/9)<br>$MoO_3$ (17,5%) $CoO$ (4,19%) $NiO$ (1,7%)   | 400                   | 40,6  | 62,3 | 68,2 | 14,9                             | 12,9 | 1,20 |

Олинган натижалардан (2-жадвал) кўриниб турибдики, бир босқичли шимдириш усулда олинган катализаторларни юзаси билан фаол компонентларни боғланиш кучи - ўзак таркиби, стабилизатор тури ва қиздириш ҳароратига боғлиқдир. Бир хил қиздириш ҳарорати ва эритма таркибида кўпроқ сув-амиакли эритмаси билан ажратиладиган ўзак юзасига нисбатан кучли боғланган структуралар, асосан кичик ғовакли ўзакларда №3, №5 ва №7 ларда ҳосил бўлиши кузатилди. Катта ғовакли ўзакда №9 сув билан ажратиладиган ўзак юзасига кучсиз боғланган структуралар кўпроқ ҳосил бўлиши кузатилди. Эритмани фосфат ва лимон кислоталари билан барқарорлаштириш ва катализаторни қиздириш ҳароратни пасайтириш, ўзак юзасида кучсиз боғланган структураларни миқдорини оширади.

Шундай қилиб, гидриланиш реакцияларида фаол бўлган структураларга эга уч металл катализаторларни тайёрлашни мақбул варианты, бу уч металл эритмани бир босқичда шимдириш усули деб аниқланди. Бундай усулни технологияси содда бўлиб, фосфор ва лимон кислоталари билан барқарорлаштириш жараёнида синтезнинг гидроксимёвий

босқичида уч металлы бирикмаларини керакли нисбатда ҳосил бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган катализаторларнинг каталитик хусусиятларини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида истиқболли катализаторлар намуналарининг каталитик хоссаларини тадқиқот натижалари келтирилган. Катализатор намуналарининг олтингугуртсизланиш хусусиятларини бирламчи баҳолаш ишлари, водороднинг босими юқори бўлмаган микрокаталитик қурилмада олиб борилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Катализатор намуналарининг микрокаталитик қурилмасида тиофен, диоктилдисульфид конверсияси натижалари

(водород босими - 0,001 МПа, водород: хомашё = 20:1, ҳажмий тезлик 0,5 соат - 1, катализатор навескаси - 1гр, фракция 0,63-1,0 мм.)


| Катализатор  | Микдори, %       |      |      | Конверсия, % (300°С) |                       | Маҳсулот таркиби (300°С, %)     |                                      |                                |                                 |                                      |                                 |
|--------------|------------------|------|------|----------------------|-----------------------|---------------------------------|--------------------------------------|--------------------------------|---------------------------------|--------------------------------------|---------------------------------|
|              | MoO <sub>3</sub> | CoO  | NiO  | Тиофен               | Диоктилди-<br>сульфид | Тиофен                          |                                      |                                | Диоктил-<br>дисульфид           |                                      |                                 |
|              |                  |      |      |                      |                       | ΣC <sub>2</sub> +C <sub>3</sub> | H-<br>C <sub>4</sub> H <sub>10</sub> | C <sub>n</sub> H <sub>2n</sub> | ΣC <sub>1</sub> -C <sub>7</sub> | H-<br>C <sub>8</sub> H <sub>18</sub> | ΣC <sub>n</sub> H <sub>2n</sub> |
| АКНМ-3/5     | 11,91            | 2,51 | 1,50 | 21,9                 | 43,5                  | 0,8                             | 29,7                                 | 49,3                           | 2,2                             | 51,2                                 | 28,7                            |
| АКНМ-3/5*    | 10,56            | 2,05 | 1,38 | 18,1                 | 34,2                  | 0,8                             | 21,8                                 | 57,6                           | 1,9                             | 38,2                                 | 41,9                            |
| АКНМ-3/5**   | 6,44             | 1,86 | 1,30 | 4,2                  | 10,4                  | 0,5                             | 7,27                                 | 71,7                           | 0,8                             | 12,9                                 | 67,0                            |
| АНМ-2/3      | 16,2             | 0    | 5,01 | 27,8                 | 56,6                  | 1,3                             | 97,8                                 | 2,2                            | 3,4                             | 65,2                                 | 3,8                             |
| АНМ          | 11,5             | 0    | 2,73 | 20,2                 | 42,2                  | 0,6                             | 24,5                                 | 51,2                           | 2,3                             | 44,6                                 | 27,2                            |
| АКМ          | 11,8             | 3,97 | 0    | 22,0                 | 43,3                  | 0,4                             | 29,8                                 | 48,5                           | 2,8                             | 51,6                                 | 28,2                            |
| АКМ (саноат) | 12,0             | 3,93 | 0    | 21,2                 | 43,4                  | 0,9                             | 29,1                                 | 49,1                           | 2,3                             | 51,6                                 | 28,9                            |

\*сувли экстракциядан сўнг, \*\*сув-аммиакли экстракциядан сўнг.

